



МЕҲНАТ БОЗОРИ ШАРҲИ

I чорак 2024 й.


ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИ
ДЕПАРТАМЕНТИ ТОМОНИДАН
ТАЙЁРЛАНДИ

Меҳнат бозори ҳолати


(2024 йил I чорак)

Ўтган йилнинг иккинчи ярим йиллигидан бошлаб меҳнат бозори кўрсаткичлари яхшиланишда давом этмоқда. 2023 йил якунига, юқори инвестицион фаоллик шароитида жами иш билан банд бўлган аҳоли сони 312 минг кишига ёки ўтган йилга нисбатан 2,3 фоизга ошди (1-расм). Иқтисодиётдаги ишсизлик даражаси сезиларли даражада камайиб, 6,8 фоизни ташкил қилди (2-расм). Бандликка асосий ҳисса қўшган соҳалар қурилиш ва савдо тармоқлари бўлса-да, қишлоқ хўжалигида банд бўлганлар сони камайди.

1-расм. Бандликнинг ўсиш суръатлари, фоизда



2-расм. Ишсизлик даражаси, фоизда




Манба: Статистика агентлиги маълумотларига асосан Марказий банк ҳисоб-китоблари.

Меҳнат бозоридаги бўш иш ўринлари (вакансиялар) сони билан ўлчанадиган ишчи кучига бўлган талаб сезиларли даражада ошди. Ушбу даврда бўш иш ўринларининг ўртача сони қарийб 36,8 мингтани ташкил этиб, 2023 йил декабр ойи кўрсаткичларига нисбатан 14 фоизга ошган (32,2 мингта). Энг кўп бўш иш ўринлари чакана савдо, қурилиш, умумий овқатланиш, ишлаб чиқариш ва таълим соҳаларида шаклланишда давом этмоқда (3-расм). Худудлар бўйича бўш иш ўринларининг асосий қисми Тошкент шаҳри (60 фоиз атрофида), Самарқанд (11 фоиз) ва Тошкент вилоятларига (9 фоиз) тўғри келган.


Бундан ташқари, йил бошидан яқка тартибдаги тадбиркорлар сони 8,2 фоизга ошиб, 262,8 минг кишини ташкил этди. Тадбиркорлар асосан чакана савдо (+8,6 фоиз) ва маиший хизмат кўрсатиш (+18,9 фоиз)

фаолият йўналишларида рўйхатдан ўтмоқда. Ушбу ҳолат ўзини ўзи банд қилганлар билан ҳам кузатилиб, уларнинг сони йил бошидан 287 минг кишига ёки 11,8 фоизга ошган (2,8 миллион киши) (4-расм).

3-расм. Бўш иш ўринлари сони, минг бирликда.



4-расм. Якка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилганлар сони, минг киши.



Манба: Марказий банк ҳисоб-китоблари, Статистика агентлиги, Давлат Солиқ Қўмитаси.

Бўш иш ўринлари ва бандлик динамикалари биргаликда жорий йилнинг биринчи чорагида иқтисодий ўсиш юқори бўлганлигини акс этади. Қурилиш ва хизматлар соҳаси ўсиши келгусида умумий иқтисодий ўсишнинг асосий драйверлари бўлиши кутилмоқда. Шу билан бирга, чакана савдода бандликнинг юқори суръатларда ўсиши иқтисодиётда талабнинг сақланиб қолаётганини билдиради.


Таклиф томонидан, иш қидираётганлар орасида эълонларнинг салмоқли қисми транспорт, қурилиш, бухгалтерия ва маиший хизмат кўрсатиш соҳаларига тўғри келмоқда.

Меҳнат бозорида талабнинг мавжудлигига қарамасдан, унинг ишчи кучи таклифи билан айрим таркибий номуносибликлари мавжуд. Бу, бир томондан, олдинги даврлардаги бўш иш ўринлари сонининг сезиларли қисми сақланиб қолаётганида (дастлабки, Т-1 даврида 64 фоиз ва Т-2 даврида 55 фоиз атрофида), бошқа томондан эса, хусусий сектордаги юқори ва ўрта малакали ишчиларнинг иш ҳақлари ўртасидаги тафовутда намоён бўлмоқда (5-расм). Бунда махсус кўникмалар талаб этиладиган ахборот технологиялари,


тиббиёт, ишлаб чиқариш каби соҳаларда бўш иш ўринлари ўтган даврлардан сақланиб қолаётган бўлса, маиший хизматлар, кўриқлаш/хавфсизлик хизматлари ва талабалар учун бўш иш ўринлари юқори тезликда янгиланиб келмоқда.

Иш ҳақи динамикаси меҳнат бозорининг жорий ҳолатини ўзида акс эттиришда давом этмоқда. 2024 йилнинг биринчи чорагида иш ҳақининг номинал ўсиш суръати йиллик 19,8 фоизни, инфляцияни ҳисобга олган ҳолда эса 9,8 фоизни ташкил этди (6-расм). Хусусан, ишчи кучига бўлган юқори талаб фониди, савдо (24,4 фоизга) ҳамда ахборот ва алоқа (23,5 фоизга) соҳаларида юқори кўрсаткичлар сақланиб қолди. Қурилиш соҳасида меҳнат ресурслари таклифининг ўсиши ҳисобига иш ҳақи ўсиши пастроқ шаклланмоқда (6,6 фоиз).

5-расм. Иш ҳақи ўсиши, айрим соҳалар кесимида (2021й. I ч. = 100)



6-расм. Иқтисодиётда иш ҳақининг ўсиш суръатлари, фоизда




Манба: Статистика агентлиги маълумотларига асосан Марказий банк ҳисоб-китоблари.

Иқтисодиётдаги бандлик ва ишлаб чиқариш даражасини инобатга олганда, хизмат кўрсатиш соҳаларининг аксариятида меҳнат унумдорлиги иш ҳақи ўсишидан ортда қолиб (1-илова), бу хизмат кўрсатиш соҳаси томонидан инфляцияга босим берувчи омиллардан бири бўлиб қолмоқда.


Биринчи чорақда ташқи меҳнат миграцияси тенденцияларида сезиларли ўзгаришлар кузатилмади. Бу, биринчи навбатда, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 8,6 фоизга ошган трансчегаравий пул ўтказмалари динамикасида ўз аксини топди (7-расм). Пул ўтказмаларидаги ўсиш меҳнат муҳожирларини қабул қилувчи асосий

мамлакатлардаги миграция оқимлари ва валюта курсларининг барқарор сақланиб қолгани билан изоҳланиши мумкин. Жорий даврдаги пул ўтказмаларининг ўсиш тенденцияси сўнги пул-кредит сиёсати шарҳида тақдим этилган базавий прогнозлар доирасида шаклланмоқда (8-расм).

Расм. 7. Пул ўтказмалари динамикаси, млн. сўм



Расм. 8. Пул ўтказмалари ўсиши прогнози, фоизда



Манба: Марказий банк ҳисоб-китоблари.

Айни пайтда, хорижий давлатлар томонидан ўзбекистонлик меҳнат муҳожирларига бўлган талаб юқори шаклланиб келмоқда. Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги маълумотларига кўра, биринчи чорақда хорижий бўш иш ўринлари сони 46 мингдан ортиқни ташкил қилган. Шу билан бирга, талаб географик жиҳатдан ҳам кенгайиб бормоқда (*Буюк Британия, Саудия Арабистони, Венгрия, Беларусия ва бошқалар*).

Хорижий бўш иш ўринларида маълум кўникма ва малакаларга бўлган талаб муҳожирларнинг ишга жойлашишида асосий тўсиқ бўлиб қолмоқда. Ҳукумат томонидан кўрилаётган чора-тадбирлар, хусусан, икки томонлама ҳамкорликни кенгайтириш, расмийлаштириш жараёнларини соддалаштириш, мигрантларнинг малакасини ҳамда тил билиш даражасини ошириш ўрта муддатли истиқболда мамлакатга кўшимча меҳнат дивидендини ошириш имконини беради.

Иқтисодий тармоқлари бўйича меҳнат унумдорлиги ва иш ҳақининг ўсиш динамикаси (номинал ўсиш, фоида)


Саноат




Қурилиш



Савдо



Ташиш ва сақлаш



Таълим



Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар

